

ISSN 2010-5460

# MAKTAB VA HAYOT

Ilmiy-metodik jurnal

8/2016



Web site: <http://www.tashxis.uz>  
e-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Файзилла АХМЕДОВ  
Йўлдош АСАДОВ  
Хикматилла ДАМИНОВ  
Борис БЛЯХЕР  
Рисбой ЖЎРАЕВ  
Улуғбек ИНОЯТОВ  
Сарвар МУМИНОВ  
Наргиза РАХМОНҚУЛОВА  
Шавкат ШАРИПОВ

## БОШ МУҲАРРИР

Шариф ЭРГАШЕВ

Муассислар:  
Ўқувчиларни касб-хунарга  
йўналтириш ва психологик-педагогик

Республика ташхис Маркази

«МАКТАВ VA НАУОТ» МЧЖ

Журнал 2001 йилдан чиқа  
бошлаган.

МАНЗИЛ:  
100022, Тошкент ш.,  
Күшбеги мавзеси, 16A уй,  
Тел: (0371) 250-04-69  
факс: (0371) 250-45-74  
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим  
ҳам таҳририят фикрига тўғри кела-  
вермайди. Таҳририят мақолаларнинг  
услубий хатоларини тўғрилаш ва  
қисқартириш ҳукуқини ўзида саклаб  
қолади. Таҳририятга юборилган  
мақолалар эгасига қайтарилмайди ва  
тақриз қилинмайди.

Муаллифларнинг фамилияси,  
исми, шарифи уларнинг паспортлари  
маълумотларига мувофиқ ҳолда ёзи-  
лади.

Мнение редакции не всегда сов-  
падает с мнением автора. Редакция  
оставляет за собой право на стилисти-  
ческую правку и сокращение статей.  
Присланные в редакцию рукописи не  
возвращаются и не рецензируются.

Фамилия и инициалы авторов пи-  
шутся согласно данным их паспорта.

Журналдан кўчириб босилганда  
«МАКТАВ VA НАУОТ»дан олинди,  
деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 1019



## МУНДАРИЖА

### П.С.ЭРГАШЕВ.

Ёшларни ахборот-психологик  
хуружлардан ҳимоя қилиш ҳақида ..... 2

### А.М.УЗОКОВ.

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйгуларини шакллантириш ..... 4

### Г.Э.ДЖАНПЕИСОВА.

Болаларнинг математик тафаккурини ривожлантириш  
жараёнида геометрик билимлардан фойдаланиш усуллари ..... 7

### Д.Р.АБДУМАДЖИДОВА.

Мактаб ўқувчиларида ассертив хулқни  
шакллантиришнинг психологик хусусиятлари ..... 10

### Q.F.RASULOVA.

Mehnat ta'limi darslarida nozmunchoqlar bilan  
ishlash bo'yicha uslubiy tavsiyalar ..... 14

### SH.SH.OCHILOV.

Maktab o'quvchilarini kasb-hunarga  
yo'nalishirishning samarali yo'llari ..... 16

### U.R.RAJAPOV.

Harakatli o'yinlarni jismoniy tarbiya mashg'ulotining  
asosiy qismiga mos holda tanlashning didaktik imkoniyatlari ..... 19

### Н.Ж.САГИНДИКОВА.

Мактаб ўқувчиларида масъулият ҳиссини шакллантириш ..... 21

### О.У.АВЛАЕВ, С.Н.ЖЎРАЕВА.

Компетентли ўқитувчининг касбий  
сифати қандай бўлиши керак? ..... 23

### M.U.XAMIDOVA, N.Q.ABIDOVA.

Maxsus maktablarda matematika darslarida o'yin  
texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi ..... 26

### Г.Т.ИСКАНДАРОВА.

Речевое поведение  
в гендерном аспекте на примере детской речи ..... 28

### Н.Г.КАМИЛОВА.

Развитие эмоционального интеллекта у воспитанников  
специализированных заведений – залог успешности  
вторичной профилактики правонарушений ..... 31

### ИЛОВА:

СПОРТ МАШФУЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ИМКОНИЯТЛАРИ  
(МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА)

## *Sos'alom aylod uchun*

нинг давлатлари ҳар дам ёдимизда турishiغا эришишимиз керак: "Агарки миллатимиз жозибали, лекин сохта ва зарарли foялар тажовузи зимдан кучайиб бораётган бугунги мураккаб замонда ўз қадриятларини эъзозлаб, авайлаб сақлайдиган бўлса, билиб қўйинглар, бизга ҳеч қандай куч хавф сололмайди" [1, 294-6.].

### Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т. 13. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. - 443 б.
- Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: «Ўзбекистон»,

2006. - 280 б.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. И. Каримов. – Т.: «Маънавият», 2008. - 176 б.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т. 17. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. - 280 б.

5. Крысько В.Г. Секреты психологической войны (цели, задачи, методы, формы, опыт). - Мн.: Харвест, 1999. - 450 с.

6. Лисичкин В.А., Шелепин Л.А. Третья мировая (информационно-психологическая) война. – М.: Институт социально-политических исследований, 1999. - 304 с.

## ЎҚУВЧИЛАРДА ВАТАНПАРVARЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

**А.М.Узоков, Бухоро давлат университети ўқитувчиси**

Патриотическое воспитание школьников – систематическая и целенаправленная деятельность по формированию высокого патриотического сознания учащихся, чувства верности своему Отечеству, готовности к выполнению гражданского долга и конституционных обязанностей по защите интересов Родины.

**Ключевые слова и понятия:** патриотизм, личность учащегося, защита прав, современное образование, бдительность, чуткость, идеологический иммунитет, формирование, развитие, методы, средства.

Patriotic education of schoolchildren - a systematic and purposeful activity on formation of high patriotic consciousness of students, feelings of loyalty to the Fatherland, readiness to fulfill their civic duty and constitutional duty to protect the interests of the motherland.

**Key words and conceptions:** patriotism, the student's personality, the protection of rights, modern education, alertness, sensitivity, ideological immunity, formation, development, methods, means.

Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш нинг асосий омилларидан бири комил инсон тарбиясида "шахс манфаати ва таълим уступорлиги"dir. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга буриб, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгилини кузатилмоқда. Бу омил давлатимиз ёшлигини ҳар томонлама баркамол бўлишига қаратилиди.

Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришдан асосий мақсад ёшлиларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга

бўлишини, бугунги ута мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш методлари, воситалари, технологииларининг тизимлаштирилишини давр тақозо этмоқда.

Ўқувчиларда мафкуравий иммунитет, миллий ифтихор, ўзликни англаш, ватанпарварлик, бағри-кенглик туйғулари шакллантирилиши ва ривожлантирилиши жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб,

глобаллашув даврида бу масала мұхым ақамият касб этади. Ушбу долзарб педагогик масаланы ҳал этишда қуидаги вазифаларни бажариш назарда тутилади:

– миллий ғоя, умуммиллий қадрияттарга оид түшүнчаларни барча үқув фанлари таркибиға сингдириш;

– таълим ва тарбияни үйғун олиб бориш, үқувчиларнинг билимларини көнгайтириш, маңнавий жиҳатдан юксалтириш бүйича таъсирчан педагогик чораларни белгилаш, таълим муассасаси фаолиятига үқувчиларнинг тарбияланғанлик даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериш. Бунинг учун замонавий үқитувчиларнинг компетентлик даражасини ошириш;

– таълим муассасаларида соғлом ижодий мұхиттін яратыш, таълим ва тарбия жараёнига илғор инновациян, педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали үқитиши сифатини янги босқичта күтариш, үқувчи-ёшларнинг дүнёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантириш;

– ёшларни диний-экстремистик ғоялар, турли ахборот хуружлари таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ватанпарварлық, юрга садоқат ва унинг тақдигирига дахлдорлик түйғуларини тарбиялаш;

– оиласыв таълимга эътиборни күчайтириш, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қобилиятларини эрта аниқлаш ва ривожлантириш;

– иқтидорли ёшларнинг қобилияті ва истеъдодини аниқлаш, тарбиялаш, тұлақонли рүёбга чиқаrishнинг ягона умуммиллий тизимини шакллантириш, үқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш, табақалаштириш ва профиллаштиришнинг илмий асосларини яратиш;

– узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларыда Давлат таълим стандартлари, үқув режа ва дастурлари ҳамда дарсликларини такомиллаштириш, мазмунан узвийлаштириш билан таълим узлуксизлігін таъминлаш;

– таълим муассасаларида виртуал үқув-лаборатория, замонавий ахборот коммуникация, электрон-техник ва масофадан үқитиши имкониятларини көнгайтириш, дарслик, құлланма ва үқув фильмларининг электрон турларини яратыш ва улардан таълим -тарбия жараённанда самарали фойдаланиш орқали Ватанга мұхаббат түйғусини шакллантириш;

– мактабдан ташқары таълимнинг шакллари ва мазмунини тубдан янгилаш, ҳудудларнинг хүсусиятлари, үқувчиларнинг қызықишилари ва отоналарнинг хоҳиш-истаклары асосида миллий ҳунармандчилік, бадиий-эстетик йұналишлардаги тұғараларни күпайтириш ва шу орқали ёшларни касбларга бўлган қызықишини йұналтириш;

– ёшларда соғлом турмуш тарзи ҳамда фаол ҳәёттій қўнималарни шакллантириш, үқувчилар, педагог ва ота-оналарнинг тиббий, экологик, ҳукуқий ва педагогик маданиятини юксалтиришга

йұналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

– үқувчи-ёшларда жисмоний маданиятни юксалтириш, қиз болаларни спорт машғулотларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш, болалар спорти мажмұалари ва бошқа спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш;

– кутубхоналарни бадиий, илмий-оммабоп, методик адабиётлар, лугатлар билан бойитиш, ахбот-ресурс марказлари ишини мазмунан бойитиш ва бошқалар.

Худди шундай үқувчиларда мағкуравий иммунитет, миллий ифтихор, үзликни англаш, ватанпарварлық түйғуларини шакллантирилиши ва ривожлантирилиши тарбиянинг таъсирчан механизмларини излаб топишиң тақозо этади. Бунинг учун таълим-тарбия тизимини қуидаги тизим асосида ташкил этиш самарали натижаларни беради:

– биринчидан, тескари алоқани үрнатиши-күзланган үқув-тарбиявий мақсадларга эришиш шакллари ва йўлларини таҳлил қилиш;

– иккинчидан, мақсад ва вазифаларни белгилаш – жамоанинг тараққий қилиш истиқболларини, истиқбол режаларини аниқлаш;

– учинчидан, тақсимот йұналиши-жамоа аъзолари ўртасида бурч ва вазифаларни тақсимлаш;

– тўртинчидан, яратувчанлик йұналиши-катталарнинг ёшлар билан мuloқot қилишининг соғлом мұхитини таркиб топтириш;

– бешинчидан, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш;

– олтинчидан, мотивация ва рағбатлантириш йұналиши – үқувчи-ёшларнинг ҳамда мураббий-үқитувчиларнинг таълим олиш ва таълим бериш фаолиятини рағбатлантиришни, ташқи сти́млларни адекват қабул қилишини назарда тутади. Тарбиявий жараёнда комилликка интилишни күчайтиради;

– еттинчидан, назорат йұналиши-таълимий-тарбиявий жараёнда турли хил назорат турларини ўтказиши назарда тутади, маңнавий-маърифий жараён ҳолати тұғрисидаги ахборотта зәға бўлишни билдиради. Демак, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг билими, тарбияси, ватанпарварлигига намоён бўлади, уларнинг маңнавий қиёғасини белгилайди.

“Фақатгина замонавий аснода таълим-тарбия олган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маңнавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга күтаришга қодир бўлади”[1]. Шу аснода ёшлар жамоасида ватанпарварлик шакллантириш ишлари методик жиҳатдан тұғри йұналтирилганда жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгига миллий истиқбол фояларини сингдириш, мағкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уларнинг ўзлигини



## Sog'lom avlod uchun ...

англашлари, ватанпарварлик ва фидоийлик туйғуларини, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, толерантликни шакллантиришда ҳамда комил инсонга хос бўлган фазилатларни: софдиллик, тўғрисўзлик, адолатпарварлик, саҳоватлилик, орномуслик, тантилик сифатларини таркиб топтиришда ижобий самараларга эришиш мумкин.

Мустақил, маърифий-маданий, адолатли ва инсонпарвар жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама етук, ахлоқли, одобли инсонлар сифатида камол топтириш, уларни ўз Ватанига садоқатли қилиб тарбиялашда уларда қўйидаги хусусиятларни шакллантириш лозим:

- ижобий фазилатлар моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиш, шахсий муносабатини билдира олиш;

- жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини эгаллаш;

- баркамол инсон сиймосини идрок этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш методларини белгилаш.

Инсон тарбияси ва унинг тарбияланганлик дарражаси ўз даврининг илмий-амалий мезонлари бўйича тадқиқ этишилик кўп асрлик фан тарихига эга. Инсониятнинг ер юзига келишидан эътиборан кишилар муайян социумнинг аъзоси тариқасида шахслараро муносабатга киришиши, мулоқот ўрнатиши, муомала маромига риоя қилиши лозим, деб белгиланиши тарбияланганлик ўлчовларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Тараққиёт, ижтимоий онг, ақл-заковат, комфортга интилиш ҳисси тарбияланганникнинг ҳам ҳаракатлантирувчиси, ҳам механизми, ҳам зарурат эканлигини таъкидловчи омил бўлиб хизмат қилган ва бундан кейин ҳам кўп функционал вазифани адо этаверади. Тарбияланганлик барча ижобий хулқларни ўзида мужассамлаштириб, салбий хулқлардан фориғ бўлиш демакдир.

Инсоншунослик фанида “инсон-жамият”, “жамият-инсон” шаклида ўзаро таъсири тақозо этар экан, биринчи ва иккинчиси ҳам тўғри, ҳам тескари алоқани ўрнатиши жоиз.

Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида инсон камолотида тарбиянинг ўрнини алоҳида таъкидлаб, “Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши или ёмонни, фойда или зарарни, оқ или қорани айирадиган қилиб яратган. Лекин, бу инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузук хулқдан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, баҳтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар тарбиясиз, ахлоқи бузилиб ўssa, насиҳатни кулогига олмайдиган, ҳар хил бузук ишларни қиладиган нодон, жоҳил бир расвои одам бўлиб чиқади” [2] -деб таъкидлайди. Шундай экан, бугунги кунда педагогик назария ва амалиёт муаммоларини тадқиқ қилиш ва ечимини топишда ватанпарварлик моҳияти, уни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари мухим аҳамият касб этади.

Таълим муассасалари ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ривожлан-

тириш учун жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқ-атвор ма-лака ва одатлари ҳосил қилинади. Бунга эришиш кезида ёшларнинг онгига (таълим жараёнда), ҳиссиётига (дарсда ва синфдан ташқари ишларда), иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жараёнда) тизимли ва мунтазам таъсир этиб борилади.

Режа асосида ўтказилган ватанпарварлик тарбияси моҳияти таълим - тарбия тизимини, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолиятини ташкил қиласди.

Тараққиёт, ижтимоий онг, ақл-заковат, ватанпарварлик ҳисси тарбияланганликнинг ҳам ҳаракатлантирувчиси, ҳам механизми, ҳам зарурат эканлигини таъкидловчи омил бўлиб хизмат қилган ва бундан кейин ҳам кўп функционал вазифани адо этаверади. Тарбияланганлик барча ижобий хулқларни ўзида мужассамлаштириб, салбий хулқлардан фориғ бўлиш демакдир.

Жамиятимизда ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил қилишда бош омил-ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, мулоқот одоби, ўзбек ва жаҳон маданияти, санъати, ҳалқ ёдгорликларини ардоклаш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, шахс миллий дунёқарашини камол топтиришдан иборат. Шу сабабли бугунги кунда педагогика таълимий-тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширишда, муҳим тарбиявий вазифаларни ҳал этишда етакчи ўринни эгаллаш келмоқда.

Ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш билан бирга, умуминсоний фазилатларни, маънавий сифатларни тарбиялаш зарур. Бунинг учун, энг аввало, инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоқ лозим. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирада шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади.

### Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Тошкент: Ўзбекистон, 2015.-304 бет.

2. Абдулла Авлоний “Туркий гулистан ёхуд ахлоқ”.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994.-32-бет.

3. Абдуллаева Ш.А. Педагогик диагностика ва коррекция.-Тошкент: Фан ва ахборот технологиялари,2012-Б.-17-18.

4. Р.Х.Жўраев ва бошқалар. Педагогика фани Концепцияси.-Тошкент,2010.-Б.-8.

5. Хобсон Флейк. Развитие ребёнка и его отношение с окружающими.-Москва: Мысль, 2009.-С.-32.